

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2009 йил, 6 март, жума

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 46 (11.357)

Баҳоси эркин нарҳда

XXI АСР САДОСИ
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН
СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси «Ўзбекистон Республикасида қонунчилик жараёни ва унда жамоатчиликнинг иштироки» мавзусида давра суҳбати ўтказди. Тадбир иштирокчилари қонунчилик жараёнида кенг жамоатчилик иштирокини янада такомиллаштириш бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

● Самарқандда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сенатининг халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари ва ижро этувчи ҳокимият органлари билан ҳамкорлиги, уларнинг минтақавий ривожланиш муаммолари ечимини топиш борасидаги фаолияти мувофиқлаштирилиши таъминлаш бўйича гуруҳи ҳамда вилоят, шаҳар, туман кенгашлари доимий комиссияларининг қўшма йиғилиши бўлиб ўтди.

● Жиззах шаҳрида Жиззах вилояти хотин-қизлар қўмитаси ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ҳамкорлигида хотин-қизларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишга бағишланган «Аёл ва ҳуқуқ» мавзусида семинар бўлиб ўтди.

● Навоий шаҳрида ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида «Энг иқтидорли ёш истеъмолчи» кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда шаҳар ва туманларда голибликни кўлга киритган 10 нафар иштирокчи билими ва маҳорати синовдан ўтказилди.

● Хоразм вилоятида «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

● Бухоро вилояти Халқ ижодиёти ва маданият-маърифий ишлар илмий-методик марказида ёш фотосуратчилар ижодига бағишланган кўргазма бўлиб ўтди. Мазкур кўргазма Кишлоқ тарихий ва фаровонлиги йили муносабати билан ташкил этилган бўлиб, унда вилоятдаги кўплаб ёш ҳаваскор суратчилар қатнашди.

● Чирочки туманида фуқароларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида «LEATHER KARSHI» Ўзбекистон-Греция-Швейцария қўшма корхонаси ташкил этилди. Хитойдан келтирилган замонавий технология ёрдамида терини қайта ишлаш ва чарм ашёлари ишлаб чиқаришга иттифоқлашган янги қўшма корхонада бир ойда 12 мингдан 20 минг донагача тери қайта ишланади.

● Андижон вилояти ҳудудида 20 миллион долларлик қийматга эга янги ирригация лойиҳаси ҳаётга татбиқ этилмоқда. Лойиҳага мувофиқ деярли 20 минг гектарлик ҳудудни сув билан таъминлайдиган «Гулбахор-1», «Улуғнор» ва «Рош-Ҳокон-1» насос станциялари реконструкция қилинади. Реконструкция ишларини Хитойнинг СЕЕНС корпорацияси амалга оширади. Лойиҳани асосан Хитойнинг «Эксімбанк» молиялаштираётган бўлиб инвесторлар шунингдек, замонавий гидротехник анжомларни етказиб бериб, уларни ўрнатдилар.

ЖАҲОНДА

● НАТОга аъзо мамлакатлар ташқи ишлар вазириларининг Брюсселдаги мажлисида Россия билан алоқаларни юқори даражада тиклаш ҳусусида қарор қабул қилинди. Таъкидлаш керакки, Россия ва НАТОнинг алоқалари ўтган йилнинг августда Грузия-Жанубий Осетия низолари пайтида узилди қолганди.

● Бугундан бошлаб Венесуэла ва Россия фуқаролари учун ҳар иккала давлат ҳудудида визасиз режим кучга кирди.

● Европа Иттифоқи раҳбарияти Латвия, Литва, Эстония ва Болгариянинг еврога амал қилаётган зонага қўшилишини рад этган. Эндиликда мазкур давлатларнинг миллий валютанинг евро билан қатъий боғлиқлигини сақлаб туришига тўғри келади. Мутахассисларнинг сўзларига кўра, юқоридаги тўртта давлатнинг Евроҳудудга қўшилиши мамлакатдаги ички иқтисоднинг чуқурлашишига олиб келиши мумкин.

● Кеча ўтказилган савдолар чоғида жаҳондаги етакчи биржаларда нефть нархи сезиларли даражада ошди.

● АҚШ Президенти Барак Обама Зимбабвега нисбатан иқтисодий санкцияларни яна бир йилга қўзди. Президентнинг таъкидлашича, Зимбабведа демократик жараёнлар ва институтларга бўлаётган таҳдидлар бекор қилинмаган. Шу муносабат билан санкцияларни узайтириш зарурати туғилди.

● Афғонистонда президентлик сайлови шу йилнинг 20 август кuni ўтказилади. Мамлакат президенти Ҳамид Карзайнинг яқинда эълон қилинган фармони асосида Марказий сайлов комиссияси ушбу сиёсий тадбирни мартда эмас, ёз фаслининг сўнгги ойида ўтказишга қарор қилган. Бу асосан мамлакатдаги тинчлик ва хавфсизлик масалалари билан боғлиқ.

● Босниялик сербларнинг собиқ етакчиси Радован Караич ҳарбий жиноятлари ва геноцид бўйича илгари сурилган айбловларни инкор этапти.

● Кеча узлуксиз давом этаётган қор бўронлари туфайли Владивосток аэропорти ёпилди. Портдаги қатновлар ҳам вақтинчалик тўхтади.

● Ҳиндистон космик агентлиги (ISRO) раҳбари Махдван Наирнинг таъкидлашича, ҳинд астронавтларининг коинотга дастлабки парвози Россия космик кемасида амалга оширилиши мумкин.

● Япониянинг Панасоник компанияси Lumix DMC-GH1 номли янги рақамли фотокамерани тайёрлади. У видеоасвирлар олиши мумкин бўлган Micro Four Thirds стандартидаги дастлабки камера бўлди.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

Сизиз ҳаёт ҳаёт эмас билсангиз, Изингиздан гуллар унар юрсангиз, Олам ёришади бир бор кулсангиз, Латофат соҳиби гўзал аёллар.

ДАРҲАҚИҚАТ ШОИР АЙТГАНИДЕК ЛАТОФАТ ВА НАЗОКАТ СОҲИБИ БЎЛГАН АЁЛЛАРНИНГ ЧЕКИЗ МЕҲР-МУҲАББАТИДАН ОЛАМ НУРАФШОН, ОИЛАЛАР ЧАРОҒОНДИР.

Маълумки, қадимдан шарқда аёлларга юксак эҳтиром кўрсатиб келинган. Аёл табиатининг бетакрор мўъжизаси дея таъриф тавсиф берилган. Ҳақиқатан ҳам шундай. Аёл борки олам мунаввар, хонадонларимиз саришта, файзу баракотли. Аёлларсиз ҳаётни, таракқиётни тасаввур қилиб бўлмайди. Улар жамиятнинг етакчи кучлари, моҳир ва уд-дабурон мураббийлари, меҳрибон ва оқила тарбиячиларидир.

Президентимиз Ислам Каримов ҳам аёллар ҳақида фикр юритиб: «Аёлларни қанча улуғласак, ҳаётимизнинг чирроғи, умримизнинг гули деб эъзозласак, демакки, оиламизни, Ватанимизни эъзозлаган бўламиз» дея юксак баҳо берганлар. Ҳа, аёл ҳар бир миллат ва жамиятнинг гултожи, башарият кўшидир. Хонадонимизни меҳр нури, эзгулик, нафосат нури билан мунаввар қилгувчи муқаддас зотдир. Мунис оналаримиз қалбидаги меҳр-муҳаббат, саховат, поклик, эзгулик нурига гарк бўлган гўзал туйгулар уларнинг иффа-ту латофатида, назокатида намоён бўлиши — ўзбек аёли учун ўлмас қадриятдир. Бугунги кунда Юртбошимиз ташаббуси билан хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеини тобора юксалтириш, уларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги иштирокини кенгайтириш, ҳуқуқий-иқтисодий, ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ҳар томонлама рағбатлантириш давлатимиз сиёсатининг муҳим устувор вазифаларидан бирига айланган. Давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси



АЁЛ ЖАМИЯТ ГУЛТОЖИ

очилди. Уларнинг сафи йилдан йилга кенгайиб бораётир. Шунингдек, аёлларимиз орасида Ўзбекистон Қаҳрамонлари, Се-

ругини дунёга танитмоқдалар. Улар орасида Зулфия номидаги Давлат мукофотига номзодлар ва совриндорларнинг сони охири бораётганлиги барчамизни қувонтиради албатта.

Мухтасар қилиб айтганда, буларнинг бари истиқлолимиз берган буюк незматдир. Бугун яратиш ишчи билан ашаётган, қалбидаги бор меҳр-муҳаббати билан бир қўлида бешик, бир қўлида оламини тебратётган, дилида эзгу ни-ятларни жо қилиб ҳам оиласига, ҳам жамиятга бирдек куюнчак, фидойи шижоатли дилбар аёлларимиз, доно қизларимиз ҳақида ҳар




нат аъзолари, Олий Мажлис депутатларининг борлиги қалбимизга гурур бахш этади. Турли соҳаларда ўз билими, тажрибаси билан улкан ютуқларга эришаётган олималар, шифокорлар, ўқитувчи мураббийларнинг захматли меҳнатлари доимо қадрланиб келади. Айниқса қизларимиз орасида оқила, доно, зукко ва истеъдодлилари турли соҳаларда, жумладан таълим, маданият, санъат ва спорт соҳасида катта ютуқларга эришиб, мамлакатимиз дов-

қанча фахрланиб гапирсак арзийди. Уйлашимизки, аёлларимиз фазилатига айланаётган фаоллик, меҳнатсеварлик, юртга садоқат эртамиз учун саодат қалити бўлиб хизмат қилишига ишончимиз комил.

Баҳор, гўзаллик ва нафосат айёмингиз муборак бўлсин, мухтарам онахонлар, кадрли опа-сингиллар. Гулгун чехрангиздан табассум, бахтиёрлик аримасин, баҳорий кайфият доимо ҳамроҳ бўлсин.

Дилором ИКРОМОВА

«ЖАҲОН МОЛИЯВИЙ-ИҚТИСОДИЙ ИНҚИРОЗИ, ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА УНИ БАРТАРАФ ЭТИШНИНГ ЙЎЛЛАРИ ВА ЧОРАЛАРИ» «ЎЗБЕКИСТОН» НАШРИЁТ-МАТБАА ИЖОДИЙ УЙИ ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ «ЖАҲОН МОЛИЯВИЙ-ИҚТИСОДИЙ ИНҚИРОЗИ, ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА УНИ БАРТАРАФ ЭТИШНИНГ ЙЎЛЛАРИ ВА ЧОРАЛАРИ» НОМЛИ КИТОБИНИ НАШРДАН ЧИҚАРДИ.



Маълумки, 2008 йилда бошланган, бугунги кунда кўлами тобора кенгайиб ва чуқурлашиб бораётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг сабаб ва оқибатларини тўғри баҳолаш ҳамда шу асосда унга қарши самарали чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқиш масаласи дунё миқёсида энг долзарб масалага айланмоқда. Аммо кўпгина халқаро эксперт ва мутахассислар бу инқирозга баҳо берар экан, унинг сабаблари ва янада авж олиши билан боғлиқ прогнозларида жавоблардан кўра кўпроқ саволларга дўра келишмоқда.

Ушбу асарнинг моҳияти ва аҳамияти шундаки, унда юқорида зикр этилган масалалар бўйича ҳар томонлама асосланган аниқ қарашлар, амалий ҳуқуқсоз илгари сурилади.

Китоб икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисми «Жаҳон молиявий инқирозининг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсири ҳамда унинг оқибатларини олдини олиш ва юмшатишга асос бўлган омиллар» деб номланган. Унда жаҳон молиявий инқирозини келтириб чиқарган сабаблар, унинг ҳозирги пайтда дунё миқёсида қандай кескин ижтимоий-иқтисодий муаммоларни тудираётгани ва келгусида юз бериши мумкин бўлган оқибатлари ҳар томонлама чуқур таҳлил этилган.

Муаллиф жаҳон молиявий инқирозидан имкон қадар тез чиқиш, унинг оқибатларини юмшатиш кўп жиҳатдан ҳар қайси давлат доирасида ва умуман, дунё ҳамжамияти ми-

қёсида қабул қилинаётган чора-тадбирларнинг қанчалик самарадорлигига, уларнинг бир-бири билан уйғунлигига боғлиқ эканини таъкидлайди.

Китобнинг иккинчи қисми «Банк тизимини қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник янгилаш ва диверсификация қилиш, инновацион технологияларни кенг жорий этиш — Ўзбекистон учун инқирозни бартараф этиш ва жаҳон бозоридан янги марраларга чиқишнинг ишончли йўлидир» деб номланган. Унда қатор долзарб масалалар, шу жумладан иқтисодиётимизнинг жаҳон ҳужалик ва молиявий-иқтисодий тизимига интеграциялашув жараёни тобора чуқурлашиб бораётганини инобатга олганда, жаҳон молиявий инқирози, аввало унинг оқибатлари Ўзбекистонга ҳам салбий таъсир кўрсатиши мумкинлиги ҳақида фикр юритилади.

Лекин, юзага келган барча муаммо ва қийинчиликларга қарамай, 2008 йилда иқтисодиётимизнинг нафақат барқарор фаолият кўрсатишига, балки унинг юқори ўсиш суръатларини изчил таъминлашга эришилди, яқин истиқболга белгиланган кенг қўламли чора-тадбирлар комплекси, аввало Инқирозга қарши чоралар дастури ва уни амалга ошириш механизмлари ишлаб чиқилди.

Бу дастур жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг таҳдид ва хатарларига муносиб қарши туриш, унинг иқтисодиётимизга салбий таъсирининг олдини олиш имконини бериши, айни пайтда инқироздан сўнг Ўзбекистон иқтисодиётининг янада кучли, барқарор ва мутаносиб ривожланган ҳолда майдонга чиқиши, жаҳон бозорларида ўзимизнинг мустақам ўрнимизни эгаллаш, шунинг ҳисобидан изчил иқтисодий ўсишни таъминлаш, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва фаровонлигини янада ошириш бўйича олдимизда турган устувор вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш учун ишончли замин яратиши асарда алоҳида қайд этилади.

(ЎЗА)

Қасқа сатрларда

● **КЕЧА** Сергелей туманида туманининг фаол аёллари иштирокида 8 март — Халқаро хотин-қизлар кuni муносабати билан ўтказилган тадбир туман ҳокимлиги ва туман хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорликларида уш-

тирилди.

● **БУГУН** Тошкент шаҳар корейс миллий маданият марказида Миробод тумани маданият ва спорт ишлари бўлими ҳамкорлигида ўтказилган тадбир «Айёмингиз муборак бўлсин, азиз опа-сингиллар» деб номланди.

● **БУГУН** Тошкент туризм касб-хунар коллежида Халқаро хотин-қизлар кунига бағишлаб «Сизга таъзим, аёллар» мавзусида ўтказил-

ган тадбирда ўқувчилар, ўқитувчилар, «Қамолот» ЕИҲ фаоллари иштирок этишди.

● **БУГУН** Хамза туманидаги 161-мактабда туман халқ таълими бўлими ҳамда туман маданият ва спорт ишлари бўлими ҳамкорлигида ўқувчилар, ўқитувчилар иштирокида 8 март — Халқаро хотин-қизлар кунига бағишлаб ўтказилган тадбир «Аёл билан олам мунаввар» деб номланди.

● **ТОШКЕНТ** Давлат ирригация ва мелiorация институтида талабалар, ўқитувчилар, шифокорлар иштирокида «Соғлом турмуш тарзи тарafdоримиз» мавзусида ўтказилган тадбир Саломатлик ва тиббий статистика институтининг Тошкент шаҳар филиали ҳамкорлигида уюштирилди.

● **КЕЧА** Яққасарой туманида туман хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан

ўтказилган тадбир «Аёл борки, олам мунаввар» деб номланди.

● **«ЁШЛИК»** спорт мажмуасида баскетбол бўйича уюштирилган беллашуларда Ўзбекистон Миллий университети талабалари ўзаро беллашишди.

● **ТОШКЕНТ** Тиббиёт академиясида талабалар ўртасида баскетбол бўйича мусобақа ўтказилди.

● **АБУ** Райхон Беруний номидаги Тошкент Давлат техника университетиде талабалар ўртасида футбол бўйича турнир бўлиб ўтди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Аxbорот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).



«Тошкент оқшомининг азиз мухлислари! Бугундан бошлаб ҳар жума оқшомида сизнинг эътиборингизга дам олиш саҳифасини ҳавола этишга аҳд қилдик. Турфа оламга қиёс қилиб, унинг ҳам қизиқарли ва ранг-баранг бўлишига, ҳасос газетхонларимизни турфа ҳангомалару, ажиб хабарлар, дунё гаройиботлари, арзигулик янгиликлар, ҳаётимизнинг жўшқин ва серқирра жабҳаларидан тўпланган хабарлар, хуллас, оқшомининг файзли ва мазмунли ўтишига ёрдам берадиган мақола, суҳбат, репортаж, ҳикоя ва яна кўп нарсаларимиз билан хушнуд этишга астойдил ҳаракат қиламиз. Илк саҳифамизни тақдим этарканмиз, сиз азизларимизни уни бойитишда шахсан ва фаол қатнашишингизга ҳам умид боғлашимизни таъкидлашни истардик...

Дам олиш саҳифаси

ОРЗИҚИЪ КУТИЛАЁТГАН НАФИС АЙЁМИМИЗ

Деярли бир аср бўлдики, 8 март — Халқаро хотин-қизлар кунини байрам сифатида жаҳон халқлари, айниқса, бутун дунё эркаклари қизгин нишонлаб келишди. Зеро, бу билан улар ўзларининг Аёлга, Онага юксак эътиқодлари, муҳаббатлари, қалб эҳтиросларини намён этишди, Аёлнинг нолик дил торлари, меҳр-мурувват-ла лиммо-лим қалби, унинг табаррук сиймосига чуқур эҳтиром ва иззат-ҳурматларини исботлашга интиладилар.

(ва албатта кўпчилигимиз йилнинг ҳар бир куни) аёлларимиз — оналаримиз, умр йўлдошларимиз, опа-сингилларимиз, жондан азиз дилбандларимиз — қизжонларимиз кўнгилиларини олиш учун, уларга кучок-кучок гулдастлар тақдим этиб, қалбларимизга тугиб келётган энг табаррук дил розларимизни тўкиб-сочамиз, бор муҳаббатимиз,

логлар аниқлаган ҳақиқатларни келтирамиз. Аёлларимизнинг ақсарият қисми гуллар совға қилинишини исташаркан: сўралганларнинг 45 фоизи айнан шу фикрни баён қилган. Зеб-зийнатлар, оҳорли янги қийимларни 12 фоиз аёллар ихтиёр қилишган. Пардоз-андоз, атир-упаларга 11 фоиз хотин-қизларимиз роиш билдиришган ва х.к.

Яна бир нарсани эслатиб қўйиш кераки, аёлларимиз учун, уларнинг ёшларидан қатъи назар, биринчи навбатда эркакларимизнинг эътиборлари, самимий ҳустуғулари, ҳақиқий жентлменларга хос олжаноб хатти-ҳаракатлари муҳимдир. Демак, ҳар биримиз шу кунга аёлларимиз доимо қалбимиз тўрада эканликларини, уларни (ва кўтуғ айём кунини) унутмаганимизни, энг муҳими — уларга муҳаббатимиз чексизлигини, уларни юксак қадрлашимизни чин дилдан билдириб қўйишимиз ҳам қарз, ҳам фарз. Сизлар доимо бизларга керакми, азиз аёллар! Оламнинг чароғонлиги, бахтимиз тўқислиги фақат сиз билан жондан азиз онахонларимиз, сукули ёрларимиз, меҳрибон опа-сингилларимиз, азиз қизалоқларимиз!! Кириб келатган кутлуг айёмингиз муборақ бўлсин!!

Спорт оламида ЭНГ БОЙ ПОЙГАЧИЛАР

«Формула-1» Жаҳон чемпионати автопойгаларини ҳаммамиз яхши биламиз. Дунёнинг энг йирик автомобилсозлик компаниялари ҳомийлигида ўтказиладиган ушбу машҳур пойгаларда «Тойота», «Феррари», «Макларен», «Рено», «БМВ-Заубер» ва бошқа унлаб компаниялар автоловлари қатнашади.

Motosport-total.com интернет сайти пойгачи жамоаларнинг ўтган йилги бюджетлари, харажатлари қисқартриш микдори ҳамда телетрансляциялар ҳуқуқини сотишдан тушган даромадларини ҳисобга олиб ошкор қилган маълумотларига кўра, 2009 йилги «Формула-1» жаҳон чемпионатида «Тойота» ва «Макларен» жамоалари энг бой жамоалар бўлишди. Уларнинг ҳар бирининг йиллик бюджети 270 миллион еврога тенг бўлиши кутллади.

Ҳозирча бу рақамлар расман тасдиқланмаган бўлса-да, мутахассислар фикрича, уларнинг аниқ микдорига катта ўзгариш бўлмайди. «Феррари»нинг йиллик харажатлари 255 миллион евро, «Рено» бюджети 210 миллион евро, «Торо Россо» тахмин қилинмоқда. «Торо Россо» жамоаси 80 миллион ва «Форс Индия» жамоаси 70 миллион евро бюджет кўрсатиши билан 8-9 ўринларни эгаллаб туришибди.

БАХТ ҲАМ «ЮКУМЛИ»...

Айрим касалликларнинг юқумли бўлишига кўникиб кетганмиз. Аммо эзгу нарсалар ҳам «юқумли» бўлишини кўз олдингизга келтира оласизми? Сиз бундай қила олишингиз ёки қила олмаслигингиздан қатъи назар, америкалик олимларнинг аниқлашларича, «бахт вируси» ҳам бўларкан. Албатта, бу — ҳазил. Аммо...

Уша олимлар таъкидига кўра, инсонлар ўртасида бахтнинг тарқалиши ҳам вирусга ўхшаб кетаркан. Time журналининг ёзишича, Гарварддаги ҳамда Сан-Диегодаги Калифорния университети мутахассисларидан Николас Кристакис ва Жеймс Фоулер 5 минг киши ва уларнинг қариндош-уруғлари, танишларидан яна 50 минг киши ўртасида сўровлар ўтказишган.

Дастлаб тадқиқотчилар Framingham Heart Study — 1948 йилдан буён бир неча авлод давомида 5 минг киши ва уларнинг дўстлари ва қариндошлари орасида олиб борилган юрак касаллик-

лари социологик тадқиқотлари маълумотларини таҳлил этиб чиқишган. Кейин эса, Кристакис ва Фоулер 20 йил ичида уч маротаба тадқиқотнинг ҳар бир иштирокчиси ва унинг дўстлари ҳамда ақинларининг таъсирчанлик ҳолатлари юзасидан сўровлар ўтказишди.

Маълум бўлишича, бахт жамоавий ҳодиса бўлиб, бунинг устига мазкур ҳиссиёт кўп ҳолларда дўстлар ва дўстларнинг дўстлари ижобий таъсирчанлик ҳолатига боғлиқ бўларкан. Бир кишининг хурсандчилиги, бахтиёрлик кайфияти бошқалар ўртасида тарқалиб, ундан бир қанча масофада турган инсонларда ҳам бахтиёрлик ҳисларини пайдо қиларкан.

— Чунончи, сиз бахтли бўлсангиз, — дея таъкидлашади тадқиқотчилар, — яқин дўстингизнинг бахтли бўлиш имкониятини 25 фоизга, шу дўстингиз дўстининг имкониятини 10 фоизга ва ўша дўстингизнинг дўстининг дўсти бахтлилик имкониятини 5,6 фоизга ошираоласиз...

Тиббий меросимиздан «ТИББИ ШАҲОБИЙ»

XIV асрда яшаб ижод этган шоир, хатот ва ҳоқим Шаҳобиддин Абдуқарим ўз улуғлиги ва ҳоқимлик қилиши билан кўп қилган бечораларнинг дардига махкам бўлиша иштиб, уларни бепул даволаган. Унинг «Тибби Шаҳобий» асарини таърихши урганишида муҳим манбалардан ҳисобланади. Қуйида унинг шу асаридан нарча келтирамиз. Касаллик сабабларини у шундай баён қилади: Хиндининг ҳақимлари бададаги қон, Талхага доҳил деб қилурлар баён. Сена айтиб беради, ҳаммасини била: Боддан, талхадану хитлардан эрур. Кишига иллатни шу нарса берур. Булардан битмаси гар бўлса зиёд, Бадада касаллик айлағай бунёд. Форсининг ҳақимлари фикрича иллат Тўрт нарсадан зоҳир бўлар ҳаммавақт. Учаси айтилди, тўртинчиси қон, Ҳар бирин бирма-бир қилурман баён...

Талха аломатлари Иллат зоҳир бўлса талхадан агар, Аломати қуруқ-иссиқлик бўлар. Юзи сариқ бўлар, ташналик пайдо Сувуқликдан киши топади даво. Оғиз қуруқ бўлар, тил эса қизил, Талха аломати шулар эрур бил. Балиққа сув зўё бўлганидек жон, Сувуққа майл этмоқ лозимдир ҳар он. Бод аломатлари Агар бод бадада бўлса зиёд, Унинг нишонини билмоқ кўп фойда. Буюрмиш шундай деб ул заҳматуносо, Талха аксини сен айлаган қиёс. Бада кўполаанар ва қуруқлашар, Оғиз тинмас бир дам, кўп валақлашар. Вассоғега тушмоқ бўлади одам, Сувқ оғриқдан қилар шикоят. Талоқ иллати ҳам юз берар асар, Ундан бавосил ҳам бўлади зоҳир. Балиғ аломатлари Балиғ аломатини сўрасанг асар, Шундай деб донолар беради хабар: Оқариб юради рангу руй мудоом, Бузилар иштаҳа ва ҳазми таом. Уйқуси кўпаяр, ичи мулоим, Мижзо совиб, тана суст бўлар доим. Иссиқликни фақат хоҳлайди бемор, Сувуқни хоҳламас, сувни ҳам синқур.

Қон зиёда бўлиши Бадада зиёда бўлса агар қон, Бемаза бўлгуси олғи ноаҳол. Томирлар тўлаю, бош оғри бўлар, Бесабаб чарчашлик ҳам зоҳир бўлар. Оғиз билан томоқ доим қуруқлар, Бададининг териси тинмай қичмар. Қисқилликка мойил бўлади пешоб, Озу кўзалар билан бирлашиб шу тоб.



Байрам тўхфалари АТИР ҚАНДАЙ ТАНЛАНАДИ?

Атирни кимга совға қилмоқчисиз? Уни танлашда аввало тўхфа қилмоқчи бўлган кишининг ташқи қиёфаси ва миқдори (жўшқинлиги) га хос хусусиятларини ҳисобга олишингиз керак бўлади. Масалан, ёрқин, ўзгаларда табиий равишда алоҳида таассурот қолдирадиган аёлларга кўпроқ ўткир атирлар, чунончи, Шарқ атири ёки экзотик атирлар кўпроқ мос келади.

Атирларни тўла ва аниқ бақолаш учун атиги тўртта шартни билиш талаб этилади: тинч-осойишта ҳолат, атрофингизни ўраб турган муҳитда турли худларнинг бўлмаслиги, хотиржамлик ва етарли вақт керак ҳолос. Узил-кесил қарорга келишдан олдин, ҳеч бўлмаганда, бирон соат сабр қилинг — шунда олмоқчи бўлган атирингиз хиди тўлиқ намён бўлади.

Атир хидини аниқлаш учун одадта уни кафтининг ичига, биланга ёки тирсақ ичкаригига суртилади. Атир суртилган жойни беҳосдан ишқалаш мумкин эмас — бу атирнинг қатъий тартиб билан буғланадиган кўпсонли компонентларига «зарба беради» ва атир сифатини аниқлашингизни мушқуллаштиради.



Биоэнергетик ахборот алмашинуви ҚУВВАТНИ ҚАЕРДАН ОЛАМИЗ?

Инсон яшаш учун зарур бўлган қувватни (шу жумладан, энергиял тебранишлар энергиясини ҳам) атроф-муҳитдан, турли манбалардан — овқатдан, ҳаводан, Фазодан, одамлардан, жониворлардан, ўсимликлар ва шу қабиладан олади. Одам организмнинг ҳолати шу қувват, энергиянинг сифатига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади.

Биосферанинг бир қисми сифатида инсон ўзини ўраб турган муҳит билан буоқ ва мураккаб энергия алмашинуви жараёнида иштирок этади. У ташқаридан қувват олибгина қолмай, ўз қувватининг бир қисминини беради ҳам. Мазкур жараён ҳаммаш ўзаро уйғунлик ва мувозанатда бўлиши керак. Қанча ва қандай сифатли қувватни берсанг — ўшанча ва худди шундай сифатдаги сифати оласан.

Инсон қувват-энергияни вертикал (тик) каналлар (Фазо ёки сирли оламлар) бўйича ҳам, шунингдек, горизонтал каналлар — одамлар, ҳайвонлар, ўсимликлар, жонсиз табиат оламидан ва ҳоказолардан ҳам олади ва беради. Мабоодо, шу қувват мувозанати бу-

зиладиган бўлса, инсон касалликка чалинади. Одатда одам қувватнинг 20 — 30 фоизини овқатдан, 5 — 10 фоизини Фазодан, қолган қисмини горизонтал каналлардан олади. Атроф оламдан олинадиган ва унга бериладиган қувват мувозанати бузилганда, энергетик (қувват) таранглиги юзага келади ва бу таранглик бўшашиш, юмшашишга интилади, яъни инсон ўзини ўзи тартибга солувчи тизим сифатида мувозанатни тиклашга интилади.

Оқориди таранглик касаллик сифатида намён бўлади. Ташқаридан кўп қувват олиб, турли сабабларга кўра, ташқи муҳитга ҳам энергия чикарувчи одам «куйиб кетади». Юқори тебраниш қувватини олиб, унга мутаносиб қувватни бера олмайдиган руврий касалликларга мойил бўлишади.

Паст тебранишли энергияни кўп олиб, унга мутаносиб қувватни бера олмайдиганлар турли хилдаги савдоийлик, сандизм (ўзгаларни қийнаб лаззатланиш), тажовузорлик, бузғунчилик қуранишлариди ақлий ноқисликларга мойил бўлишади.

Турли сабабларга кўра, ташқаридан кам қувват олиб, кўп қувватни сарфлайдиган одам озиб-тўзиб кетади, унда депрессия, камқонлик, сил ва бошқа касалликлар ривожланиши мумкин. Тўғма ёки кейин дуч келган норасоликлар тўфайли вертикал каналлардан керакли микдор ва сифатда сирли олам энергиясини ололмайдиган кишилар ҳам оз эмас. Бундай кишилар беихтиёр ёки атайлаб бошқалардан фазовий сирли энергияни олиб, ўз энергетик каналларини тўлдиршади. Бунинг мутахассислар тилида энергетик вампирлик (қувватни тортиб олиш) деб аталади. Бундай ҳолатларга биз кўпинча дуч келамиз. Бошқалар саломатлигига жиддий зарар етказмайдиган қувватларнинг бундай ўзаро алмашинуви амалда нормал ҳолат ҳисобланади.

Биосферанинг бир қисми сифатида мавжудлигимиз сирларидан бири билан юқорида қисқача таништирдик. Бу борада сизни қизиқтирган саволларингизни берсангиз, мавзунини давом эттирамиз.

Бирор яқин кишингиздан ёки ишхонангиздан совға қабул қилиб олиш кимга ёқмайди? Лекин шундай совға-саломлар билан яқинларингизни ва дўстларингизни қувонтириш ундан ҳам ёқимлироқ бўлса керак. Шунинг ҳам айтиш кераки, қилинган тўхфа унинг қиймати билан ўлчанмайди: ахир совганинги ўзи эмас, у орқали билдирилган эътибор қийматли деб айтишадик. Совгани топширмоқчи бўлган кишинингизнинг диди, нималарни ёқтиришини билсангиз, уни танлаш осон бўлади. Шу билан бирга, мутахассислар фикрича, харид қилган совғамиз ўзимизнинг ҳам дид-фаросатимиздан дарак бераркан. Фақат дидимизнигина эмас, балки феъл-атворимиз билан

6. Қилган тўхфангиз албатта сизни эслатиб туришини хоҳлайсизми? Ҳа — 3, ҳаммаш ҳам эмас — 4, йўқ — 5 7. Совгани танлашда унинг сифати ва нархи муҳим аҳамиятга эга, деб ҳисоблайсизми? Ҳа — 3, баъзи ҳолларда — 4, йўқ — 5 8. Қилган тўхфангиз қарз бўлиб қолади деб ўйлайсизми? Ҳа — 3, йўқ — 5, вазиятга боғлиқ — 4 9. Совгани ўзингиз учун ҳам асқотадиган қилиб танлаш ҳолларингиз ҳам бўладими? Ҳа — 3, баъзан — 4, йўқ — 5 10. Унча катта муносабатларни мустаҳкамлайди, катта-

СОВҒА ОДАМИНИНГ ХАРАКТЕРИНИ БИЛДИРАДИ

боғлиқ хусусиятларимизни ҳам англатаркан — психологлар шундай дейишади. Азиз газетхон, улар фикри қанчалик ҳақиқатга мос келишини ва айни пайтда ўзингизга ҳам сирдан бир назар ташлаб қўйишни истайсизми? Ундай бўлса, қуйидаги тест саволларига жавоб бериб, тўпланган балларингизни ҳисоблаб чиқиб, ҳулосаларни ўзингиз ҳақингиздаги тасавуруларингизга қиёслаб кўринг.

- 1. Қилаётган совғангиз бирон мазмунли ва қийматли интиласизми? Ҳа — 5, ҳаммаш ҳам эмас — 4, йўқ — 3 2. Совгани танлашда кўп ўйлашингизга тўғри келадими? Ҳа — 5, баъзан — 4, йўқ — 3 3. Қилаётган совғангиз олдидан келишиб олишини афзал қўрасизми? Ҳа — 5, баъзан — 4, қарийб ҳаммаш — 3 4. Совғангиз энг аввало амалда ишлатиладиган бўлиши керак, деб ҳисоблайсизми? Ҳа — 3, баъзан — 4, йўқ — 3 5. Бир неча майда-чуйда совғалардан кўра битта арзигулик тўхфа қилиш керак, деган фикрга амал қиласизми? Ҳа — 5, баъзан — 4, йўқ — 3

лари қарз сифатида топширилади, деган фикрга қўшилмасизми? Ҳа — 3, бунга эътибор қилмайман — 4, йўқ — 5 Ҳа — 3, баъзан — 4, йўқ — 5 30 — 36 балл. Сиз аъналаримизни хурмат қиласиз, ҳаётингизда ҳамма нарса барқарор ва муқим бўлишини ёқтирасиз. Яқинларингиз ҳам, дўстларингиз ҳам, ишхонангиздаги ҳамкасбларингиз ҳам сизга ишониниша бўлади. 37 — 43 балл. Сиз бошқалардан яхшироқ бўлишни (ёки ҳеч бўлмаганда шундай кўринишни) истайсиз. Ўзингизнинг заиф томонларингизни ошкор қилиб қўйишдан қўрқасиз ва шунинг учун ҳам кўпчилик олдидан совуқ одам сифатида таассурот қолдирасиз. Аслида ҳеч ҳам бундай эмас. 44 баллдан ортиқ. Яқинларингиз ва дўстларингизнинг сир тутиб юрган истақларини топиш — сизнинг орзуингиз. Сиз учун энг муҳими — уларга ҳамма нарсада қўмақлашиб, уларни тушунишдан иборат. Юқоридиғиларга қўшимча равишда арабларнинг шу нақллари эсингизда бўлсин: «Очик чеҳралик — қўшимча совғадир».

Бир чимдим қулги ЧОРРАҲАДА

Чорраҳада Мерседес билан Запорожец ёнма-ён тўхташади. Запорожец ойнасидан бунини чўзиб чиқарган ҳайдовчи савол билан мувожаат қилади: — Сизда факс қоғози топилмайдими, биродар? Мерс эгаси жаҳл билан газни босиб, кўздан ғойиб бўлади. Унинг эгаси — йирик фирма директори идорасига келиб, даргазаб холда ахборот ва хавфсизлик хизмати йилгилишини чакиради. — Бу қанақаси бўлди ўзи — қандайдир қасанги Запорожда факс бўлса-ю, менда бўлмаса?! Зудлик билан машинани

факс билан жиҳозлаб, ўша тасқарани топилган! Ҳаммасини бажо қилишди: факс, электрон почта ва ҳоказоларни қўйишди. Уша Запорожни Каттабоғ кўчасидан топишди ҳам. Фирма директори Мерседесидан етиб келиб, Запорожец ойнасини виқор билан чертади. Ниҳоят ўша таниш башара кўринади: — Сизга нима керак? — Ҳа... Сиз мендан факс қоғозини сўрагандингиз — мана, олинг. — Шу ҳам менинг ҳаловатимни бузиш учун баҳона бўпти-ю...

ҲАММИЗНИНГ ҲАҚИҚАТИ

Истироҳат боғидаги скамейкада бир қария пиқирлаб йиғлаб ўтирарди. Уткинчи ёш йигит унинг ҳолига ачиниб сўради: — Бобой, сизни кимдир хафа қилди-ми? Қария жавоб қилди: — Йўқ, ҳамма ишим жойида, мени ким хафа қиларди. Нафақадан, пулим кўп, шаҳарнинг қўқ марказида данийлама уйим бор, уй ҳодимларим, мени жондан ортиқ кўрадиган 25 яшар гўзал рафиқам бор... — Унда неча дийдиё қилиб ўтирибсан, аҳмоқ чол?! — Чол пиқирлаб, йиғи аралаш жавоб берди: — Уйим қаредалигини эсимдан чиқариб қўйдим...

ҲАММИЗНИНГ ҲАҚИҚАТИ

Истироҳат боғидаги скамейкада бир қария пиқирлаб йиғлаб ўтирарди. Уткинчи ёш йигит унинг ҳолига ачиниб сўради: — Бобой, сизни кимдир хафа қилди-ми? Қария жавоб қилди: — Йўқ, ҳамма ишим жойида, мени ким хафа қиларди. Нафақадан, пулим кўп, шаҳарнинг қўқ марказида данийлама уйим бор, уй ҳодимларим, мени жондан ортиқ кўрадиган 25 яшар гўзал рафиқам бор... — Унда неча дийдиё қилиб ўтирибсан, аҳмоқ чол?! — Чол пиқирлаб, йиғи аралаш жавоб берди: — Уйим қаредалигини эсимдан чиқариб қўйдим...



Изоҳнинг ҳолати йўқ

ОЛИГАРХ ВА ОЛТИН БАЛИҚ


Олигархлардан бири олтин балиқни тутиб олди. Балиқ унга ялинди: — Мени қўйиб юбор, хоҳлаган истагинини бажо келтираман... — Билсанми, менинг Москвада квартирам, Қанар оролларидан виллам бор. Менга ўша квартирамдан виллага бир зумда етиб боришим учун автострада қуриб берсанг дедим. — Нималар деясан! Бунинг ҳеч ҳам иложи йўқ — тасаввур қилгина: бунинг учун қанча бетону, қанча асфальт керак бўлади? Я-

шиси, бошқа бирон нарсани сўра. — Ҳа, майли. Менинг тўртта хотиним бор. Ҳаммаларининг пичоғи мой устида, нима дейишса — шуни муайён қиламан. Лекин қачон қарамай, нималардандир норози бўлиб, нолишгани нолишган. Олтин балиқча, мени шу хотинларнинг тилини тушунишга ўргатиб қўйинг. — Сенга тўрт қатор машина юрадиган автострада бунёд этиш керакми ёки олти қатор машина юрадиганиними?..



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ ҲИКМАТЛАР

Ҳайф одам — бир-бирини қилмас иззат.
Яхши сўзни фаҳм айламас ҳар бетамиз.
Йигитликда риёзат қил — дам ганимат.
Сўзга етмас беҳабарга эссиз маъни,
Сўзни айтсанг, донога, дурни кони.
Меҳнат тортмай, роҳат тонги отмас бўлур.
Ялғон сўзни халойиққа ёймас бўлур.
Нурдин баҳра олгон кўнгул сафо бўлур.
Тирик борсиз, то ўлгунча ўқунг, дўстлар.
Ҳақ-ноҳақни баёнини олим билур,
Ҳалол-харом фарқин омиё қайдин билур?
Олимлардин омиёлар кўб фойда олур,
Бу дунёда яхши отин кўллар, дўстлар.
Дину дунё олим билан бўлур ҳосил.
Сен сиррингни нодонлардин асраб юргил.
Аё гофил, нодон билан улфат бўлма,
Нодонларни суҳбатига ўзинг урма.
Нафсинг сўзин қилибон ботил юрма.
Ишқсиз одам ишқ қадрини билгон борму?
Умрин зоеъ кечургонлар бўлди жоҳил.
Эй кул Хожа Аҳмад, сөн юруб,
Ҳамгин кўнгулни овлагил,
Аҳли дил бўлгон киши ҳамгин кўнгулни шод этар.
Таом тобсанг, жонинг била қилгил эҳсон.
Одам ўглин оздургон нафсу ҳаво эмасму?
Чиркин дунёга солгон нафсу ҳаво эмасму?
Ото-оно, ўғул-қиз бир-бириндин айиргон,
Улуғ қайғуға қўйгон нафсу ҳаво эмасму?
Дунё молин суймагил, дунёни кўб йиғмагил,
Ўлмасман деб айтмагил, барча одам ўлғуси.
Олимлари илм бирла бўлди азиз,
Жоҳиллари жаҳл бирла бўлди ожиз.
Нодонлардин зарра баҳра ололмасман.
Чекмагунча бу йўлни анча меҳнат, ранжини,
Топиб бўлмас, дўстларим, ҳақиқатни ганжини.
Билса, нуқра, зарларни бир-биридин фарқи бор,
Кўп нодонлар билмаслар мису нуқра, зарини.
Сўзга етмас беҳабарга эссиз маъни,
Сўзни айтсанг, донога айт — дурнинг кони.
Кўзингда гафлат уйқуси,
Кўнглингда дунё қайғуси,
Бу умринг неча бўлғуси, кўп эмди,
Уйқудин уйғон.
Уйку танга роҳатдур, вале жонга заҳматдур,
Уйғокларга раҳматдур, нега мунча уюрсан?
Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади



Спорт

ТАЭКВОНДОЧИЛАР БЕЛЛАШУВИ

ПОЙТАХТИМИЗДА ТАЭКВОНДОНИНГ ЖАҲОН ТАЭКВОНДО ФЕДЕРАЦИЯСИ (WTF) ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА ЎТКАЗИЛГАН КАТТАЛАР ЎРТАСИДА ЎЗБЕКИСТОН ЧЕМПИОНАТИ ВА ЁШЛАР ЎРТАСИДА МАМЛАКАТ БИРИНЧИЛИГИ БЕЛЛАШУВЛАРИДА ТЎРТ ЮЗ НАФАРГА ЯҚИН СПОРТЧИ ГОЛИБЛИК УЧУН КУЧ СИНАШДИ.

Ўзбекистон маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Шарқ яққаурашлари ва жанг санъати республика маркази, Ўзбекистон таэквондо (WTF) ассоциацияси ҳамкорлигида ташкил этилган мусобақада мутахассислар ва мураббийлар 2012 йили Лондонда бўладиган навбатдаги ёзги Олимпиада ўйинларида юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишга номзод бўлган спортчиларни кўриқдан ўтказди.

Ёшлар ўртасидаги мамлакат биринчилиги мамлакатимизнинг турли ҳудудларида иқтидорли таэквондочилар етиштириш чикаётганини кўрсатди. Қизлар ўртасидаги беллашувларда андижонлик К.Ақбарова, бухоролик С.Яхшиева, самарқандлик Ф.Сувонкулова, фарғоналик М.Атхамова, сурхондарёлик М.Нурмуродова, Тошкент

вилояти вакиласи М.Дадахонова ҳамда пойтахтлик таэквондочилар — В.Борисовская, Э.Аракелян, М.Ким ва Г.Норбоева шоҳсултаннинг юқори поғонасига кўтарилди.

Ўғил болалар баҳсида эса пойтахт вакиллари — Н.Рафилович, С.Ким, А.Жумабоев, А.Умрбоқиев, Д.Азаматов ва фарғоналик М.Мелибоев барча рақибларини мағлубиятга учратиб, олтин медалга сазовор бўлди.

Катталар ўртасидаги мусобақаларда муклис мутахассислар эътибори Пекин Олимпиадаси иштирокчилари — Акмал Эргашев, Дмитрий Ким, Евгения Каримова иштирокидаги беллашувларга қаратилди. Кескин ва муросасиз баҳсларда рақибларини мағлубиятга учратган тажирибали спортчиларимиз мамлакат чемпионлигига сазовор бўлди. Шунингдек, ўз вази тоифасида голиб чиққан сурхондарёлик

Лайло Оролбекова, қашқадарёлик Феруза Абдурахмонова, тошкентлик Жасур Бойқўзиёв каби таэквондочиларнинг чиқишлари ҳам мутахассислар томонидан юқори баҳоланди.

— Икки кун давом этган беллашувларда катталар ва ёшлар ўртасида халқаро миқёсда бўладиган нуфузли турнир, жаҳон ва китъа чемпионатларида юртимиз шарафини ҳимоя қилишга қодир спортчиларни кўриқдан ўтказдик, — деди Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийси Александр Ким. — Ушбу мусобақада сараланган таэквондочилар жорий йилда Голландия, Таиланд, Дания, Жанубий Корея, АҚШ, Бирлашган Араб Амирликлари, Канада каби мамлакатларда ўтказилган мусобақаларда иштирок этади.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ, ЎЗА мухбири

ТОШКЕНТ ШАҲАР ЭНДОКРИНОЛОГИЯ ДИСПАНСЕРИДА ҚАНДЛИ ДИАБЕТ БИЛАН КАСАЛЛАНГАН БЕМОР БОЛАЛАР ВА ЎСМИРЛАР УЧУН ХАЙРИЯ АКЦИЯСИ ЎТКАЗИЛДИ.

ХАЙРИЯ АКЦИЯСИ ЎТКАЗИЛДИ

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жағфармаси ташаббуси билан ташкил этилган мазкур акцияда 25 нафар қандли диабет билан касалланган бемор болажонларга жағфарма томонидан инсулин, инсулин шприцлари, махсус парҳез озик-овқат махсулотлари, гигиена воситалари, мультивитаминлар топширилди.

беовор аммо, асорати ўта ёмон оқибатларни келтириб чиқарувчи бу касаллик бугунги кунда барча ёшдагилар ўртасида учраши мумкин. Бу эса тиббий ҳама дунё жамоатчилиги ақлини шошириб қўётди. Мазкур касаллик инсон умрини сезиларли қисқартириши, беморларнинг ногирон бўлишига сабаб бўлиши, хатарли ва молиявий жиҳатдан серхарajatлиги билан ижтимоий аҳамиятга молидир.

Тадбирда энг муҳим вазифа — қандли диабетга чалинган беморларда, айниқса болаларда ушбу касаллик асоратларининг олдини олишга, умрини узайтиришга ҳамда ўсмирларнинг тулақонли ривожланишига шароит яратишдан иборат эканлиги алоҳида таъкидланди. Бу эса бемор қонидаги қанд миқдорининг ўз вақтида назорат қилиниши, оқилона ва сифатли инсулин терапияси муолажасини бажаришга боғлиқдир. Бундан ташқари, оддий,

Анжуманда мутахассислар томонидан иштирокчилар учун зарур бўлган кўплаб маълумотлар айтиб ўтилди. Ушбу касалликка чалинган бемор болаларни тиббий-ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида қатор тавсиялар билдирилди.

Сурайё МЕЛИКУЛОВА, «Туркистон-пресс»

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳрида фаолият юритаётган тадбиркорлар диққатига!!!

Агар Сиз фаолият кўрсатаётган корхонада электр энергияси ва табиий газ тизимига ҳамда бошқа коммунал хизматларга уланишда, уланиш учун техник шартлар олишда муаммолар келиб чиқадиган бўлса, шунингдек, шартномалар тузишда қонунчилик талабларига зид шартларни қиритиш, шартномадан ташқари шартларни бажаришга мажбур қилиш ёки асосиз равишда тармоқдан узиб қўйиш ҳолатлари юз берганда, ўз ҳуқуқингизни ҳимоя қилиш учун, Тошкент шаҳар Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳудудий бошқармасига мурожаат қилишингиз мумкин!

Мурожаат учун телефонлар: 233-75-52, 233-76-86

Ҳамза тумани ҳокимининг 2001 йил 29 июндаги 844-сонли қарорига асосан, 07-000285 сонли реестр рақами билан рўйхатга олинган «ELITA STILL» масъулияти чекланган жамиятининг устави, таъсис шартномаси ва 000285 сонли гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ Бюролма Г-206

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Ёълонлар: 233-28-95, 236-57-65, факс: (3712) 233-21-56. Душанба, сешанба, chorshanba, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563 ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган. Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилди. 4694 нускада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига еки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета «Тошкент оқшомини»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. «Шарқ» нашрийет-матбоа оқшомини компанияси босмоҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. 2 5 6